

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/10.12.2019.Т.03.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**ПУЛАТОВ БЕҲЗОД МАННОНОВИЧ**

**ЭЛЕКТР ЭНЕРГЕТИКА ТИЗИМЛАРИНИНГ ҲОЛАТЛАРИНИ  
ЭВОЛЮЦИОН АЛГОРИТМЛАР ЁРДАМИДА  
ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

**05.05.02 – Электротехника. Электр энергия станциялари, тизимлари.  
Электротехник мажмуалар ва қурилмалар**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
техническим наукам**

**Пулатов Бехзод Маннонович**

Электр энергетика тизимларининг ҳолатларини эволюцион алгоритмлар  
ёрдамида оптималлаштириш.....3

**Пулатов Бехзод Маннонович**

Оптимизация режимов электроэнергетических систем эволюционными  
алгоритмами.....25

**Pulatov Bekhzod Mannonovich**

Optimization of electric power systems modes by evolutionary  
algorithms.....45

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....48

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/10.12.2019.Т.03.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**ПУЛАТОВ БЕҲЗОД МАННОНОВИЧ**

**ЭЛЕКТР ЭНЕРГЕТИКА ТИЗИМЛАРИНИНГ ҲОЛАТЛАРИНИ  
ЭВОЛЮЦИОН АЛГОРИТМЛАР ЁРДАМИДА  
ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

**05.05.02 – “Электротехника. Электр энергия станциялари, тизимлари.  
Электротехник мажмуалар ва қурилмалар”**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Г1152 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация «Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети» да бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tdtu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Гайибов Тулкин Шерназарович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Таслимов Абдурахим Дехканович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Хамидов Шухрат Вахидович**  
техника фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент давлат транспорт университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат техника университети ҳузуридаги DSc.03/10.12.2019.Г.03.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «27» 08 соат 9:00 даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 100095, Тошкент, Университет кўча, 2-уй. Тел.: (99871) 246-46-00; факс: (99871) 227-10-32, e-mail: tstu\_info@tdtu.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат техника университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин 067 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100095, Тошкент, Университет кўча, 2-уй. Тел.: (99871) 207-14-70).

Диссертация автореферати 2022 йил «4» 08 куни тарқатилди.  
(2022 йил «3» 08 даги 4 рақамли реестр баённомаси).



**Қ.Р. Алласи**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси,  
техника фанлари доктори, профессор, академик

**О.Х. Ишназаров**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш илмий котиби,  
техника фанлари доктори, профессор

**Ф.А. Хошимов**

Илмий даража берувчи илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар раисининг ўринбосари,  
техника фанлари доктори, профессор

## **СИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда электр энергетика тизимларининг иш ҳолатларини барча таъсир этувчи ва чекловчи факторларни ҳисобга олиб, катта аниқликда оптимал режалаштириш долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Ҳозирги даврда ривожланган мамлакатларда «...энергетика тизимларининг ҳолатларини генетик алгоритм ёрдамида оптималлашда ёқилғи сарфи билан боғлиқ ҳаражатларни анаънавий усулларга нисбатан 1% гача камайтириш мумкинлиги аниқланган»<sup>1</sup>. Бу борада, жумладан энергетика тизимларининг қисқа муддатли ҳолатларини оптимал режалаштириш масалаларида эволюцион алгоритмлар ва электр энергиясини истеъмол қилиш тугунларининг юкламасидан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда энергетика тизимларининг ҳолатларини режалаштиришнинг усул ва алгоритмларини турли хил факторлар таъсирида юзага келувчи хатоликларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш чораларини қўллаш ҳисобига ривожлантиришга қаратилган тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ушбу йўналишда, жумладан, энергетика тизимларининг ҳолатларини станцияларнинг, одатда жадвал кўринишида берилувчи синиқ чизиқли характерда бўлган реал энергетик характеристикаларидан фойдаланиб, барча чегаравий шартларни катта аниқликда ҳисобга олиб оптималлашнинг самарали алгоритмларини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар устивор ҳисобланмоқда. Бу борада ҳозирги ҳолатни таҳлил қилиш натижалари ушбу масалани ечишнинг мавжуд усул ва алгоритмлари мукамал даражада эмаслигини кўрсатади. Шу билан бирга, электр энергетика тизимларининг ҳолатларини барча ҳолат ва технологик чегаравий шартларни эътиборга олган ҳолда оптималлашнинг самарали усул ва алгоритмларини ишлаб чиқиш долзарб вазифалардан ҳисобланмоқда.

Республикамизда истеъмолчиларни минимал нархларда сифатли электр энергияси билан ишончли таъминлаш, замон талабларига мувофиқ тарзда янги технологик ечимларни яратиш ва такомиллаштириш ҳамда жорий этишга доир кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2022-2026

---

<sup>1</sup> <https://science-education.ru/ru/article/view?id=6523>

йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида, жумладан «Иқтисодий электр энергияси билан узлуксиз таъминлаш ҳамда «Яшил иқтисодий» технологияларини барча соҳаларга фаол жорий этиш, иқтисодийнинг энергия самарадорлигини 20 фоизга ошириш...»<sup>2</sup> бўйича вазифалари белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда, хусусан, энергия ресурсларини ишлаб чиқариш ва уларнинг истеъмолини прогноз қилишда, технологик ускуналар ишини оптималлаштиришда сунъий интелект технологияларини қўллаш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиб, уларни жорий этиш, замонавий усуллар асосида электр энергиясини бошқариш услубиятини ишлаб чиқиш масалаларини ечишга қаратилган илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 22 августдаги ПҚ-4422 сон «Иқтисодий тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг энергия самарадорлигини ошириш, энергия тежовчи технологияларни жорий этиш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантиришнинг тезкор чора-тадбирлари тўғрисида», 2021 йил 17 февралдаги ПҚ-4996 сонли “Сунъий интелект технологияларини жадал жорий этиш учун шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация иши бўйича тадқиқотлар Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устувор йўналишига мос келади.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Электр энергетика тизимларининг қисқа муддатли иш ҳолатларини оптимал режалаштиришнинг замонавий усул ва алгоритмларини яратиш, жумладан уларни ечишда эволюцион алгоритмлардан фойдаланишга илмий тадқиқотлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий ўқув юртларида, шу жумладан, University California (АҚШ), New Jersey University (АҚШ), Polytechnic University Milan (Италия), University of Limburg in Maastricht (Бельгия), Mersin University (Туркия), Tallinn University of technology (Эстония), Tokyo Metropolitan University (Япония), South China University of Technology (Хитой), Western Australia University (Австралия), Aswan University (Миср), Урал политехника университети (УПУ, Россия), Новосибирск техника Университети (Россия), Бутунроссия электр энергетика илмий-техника институти (БРЭИТИ, Россия), Мелентев номидаги энергия тизимлари институти (МЭТИ, Россия), Миллий тадқиқот университети (МТУ, Россия), Тошкент давлат техника

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони. <https://lex.uz/docs/5841063>.

университети (Ўзбекистон), Энергетика муаммолари институти (Ўзбекистон), «Ўзэнергомарказ» МЧЖ (Ўзбекистон) ҳамда бошқаларда кенг камровли тарзда олиб борилмоқда.

Электр энергетика тизимларининг қисқа муддатли ҳолатларини оптимал режалаштириш усуллари ва алгоритмларини яратиш, бунда, жумладан эволюцион алгоритмларни қўллаш масалаларини тадқиқ қилишга хорижий олимларидан Holland J.H, David W., Shuya Li, Braspenning, P.J., Coit, Yokoyama R., Yurievich J., Zhu J., Valdma M., Tammoja H., Liik O., Xinjie Yu., Colorni A., Совалов С.А., Руденко Ю.Н., Воропай Н.И., Горнштейн В.М., Цветков Е.В., Семенов В.А., Арзамасцев Д.А., Бартоломей П.И., Крумм Л. А., Гамм А.З., Мисриханов М.Ш., Манусов В.З., Павлюченко Д.А., Швыров И.В. ва бошқалар.

Электр энергетика тизимларининг ҳолатларини барча таъсир этувчи ва чекловчи факторларни ҳисобга олиб оптималлаш ҳамда прогнозлаш усуллари ва алгоритмларини ишлаб чиқиш каби илмий муаммоларни ҳал қилишда Ўзбекистоннинг таниқли олимларининг илмий ишлари бағишланган. Булардан: Фазилов Х.Ф., Насиров Т.Х., Аллаев К.Р., Юлдашев Х.Ю., Ситдиқов Р.А., Гайибов Т.Ш., Хамидов Ш.В., Соколов В.К., Шарипов У.Б., Шакиров З.Ш. ва бошқалар. Олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида электр энергетика тизимларининг ҳолатларини оптималлаш масалаларни ечишда салмоқли натижаларга эришилди.

Шу билан бирга, электр энергетика тизимларининг ҳолатларини станцияларнинг реал энергетик характеристикаларидан фойдаланиш асосида барча таъсир этувчи ва чекловчи факторларни ҳисобга олиб оптималлашнинг эволюцион алгоритмлар ёрдамида оптималлаш масалалари етарли даражада ўрганилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат техника университетининг илмий тадқиқот ишлари режасининг ИТД-3-128 «Ўзбекистон Республикасининг асосий электр тармоқлари орқали электр энергияни узатишдаги исрофларни манбаларнинг реактив қувватлари ва трансформаторларнинг трансформациялаш коэффициентларини оптималлаштириш орқали минималлаштириш» (2012-2014 й.), А-3-96 «Ўзбекистон Республикаси энергетика тизимида энергия истеъмолчиларининг юкламаларини оптимал бошқариш» (2015-2017 й.) ва «Энергетика системаларининг оптимал ҳолатлари, ўтиш жараёнлари ва сифатини ҳисоблаш, таҳлил қилиш ва уларни автоматик бошқаришнинг замонавий усуллари ишлаб чиқиш» (2017-2021 й.) лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади.** Электр энергетика тизимларининг ҳолатларини станцияларнинг реал энергетик характеристикаларидан фойдаланиш асосида барча таъсир этувчи ва чекловчи факторларни ҳисобга олиб оптималлашнинг эволюцион алгоритмлари ва математик моделларини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

энергетика тизимларининг ҳолатларини оптималлашда эволюцион алгоритмлардан фойдаланиш имкониятларини тадқиқи ва такомиллаштириш;

энергетика тизимларининг ҳолатларини эволюцион алгоритмлар ёрдамида оптималлашда чекловчи ва таъсир этувчи факторларни ҳисобга олиш имкониятларининг тадқиқи ва уларни такомиллаштириш;

таркибида иссиқлик электр станциялари (ИЭС), гидроэлектр станциялари (ГЭС) ва қайта тикланувчан энергия манбалари (ҚТЭМ)да ишловчи электр станциялари мавжуд бўлган электр энергетика тизимларининг қисқа муддатли ҳолатларини эволюцион алгоритмлар ёрдамида оптимал режалаштиришни тадқиқ қилиш ва уларни ривожлантириш;

электр станцияларида ишловчи агрегатларнинг таркибини оптималлаштиришда эволюцион алгоритмлардан фойдаланиш имкониятларини тадқиқ қилиш ва тараққий эттириш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида таркибида иш ҳолатлари ростланувчан иссиқлик ва гидроэлектр станциялари, қувват оқимлари назорат қилинувчи электр узатиш линиялари мавжуд бўлган мураккаб электр энергетика тизимлари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** таркибида ростланувчан иссиқлик ва гидроэлектр станциялари мавжуд бўлган мураккаб электр энергетика тизимларининг қисқа муддатли ҳолатларини станцияларнинг рухсат этилган қувватлари, назорат қилинувчи линияларда рухсат этилган қувват оқимлари, ГЭСларда сув сарфи бўйича чегаравий шартларни ҳисобга олиб оптимал режалаштириш масалаларини ечишнинг усул ва алгоритмлари ҳамда математик моделларини ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Электр энергетика тизимларининг барқарорлашган ҳолатларини ҳисоблаш ва оптималлаштириш назарияси, чизиқли ва ноқизиқли дастурлаш, сунъий интеллект усуллари, эволюцион алгоритмлар, тизимли таҳлил ва математик статистика усулларига асосланган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

энергетика тизимларининг ҳолатларини оптималлаштиришнинг станцияларни реал энергетик характеристикаларидан бевосита фойдаланишга асосланган эволюцион алгоритми ишлаб чиқилган;

энергетика тизимларининг ҳолатларини эволюцион алгоритм ёрдамида оптималлаштиришда тенглик ва тенгсизлик кўринишидаги функционал чегаравий шартларни ҳисобга олиш услуги яратилган;

таркибида ИЭС, ГЭС ва ҚТЭМда ишловчи электр станциялари мавжуд бўлган энергетика тизимларининг қисқа муддатли ҳолатларини кўрилаётган даврни вақт интервалларига ажратмасдан ва ажратиш орқали оптимал режалаштиришнинг математик моделлари ва эволюцион алгоритмлари ишлаб чиқилган;

энергетика тизимларининг ҳолатларини режалаштиришда станцияларда ишловчи агрегатларнинг оптимал таркибини уларнинг умумлашган

энергетик характеристикаларидан фойдаланиш асосида танлашнинг эволюцион алгоритми ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

энергетика тизимларининг ҳолатларини тенглик ва тенгсизлик кўринишидаги нозичлики функционал чегаравий шартларни жарима функцияси ёрдамида ҳисобга олиб оптималлашда фойдаланилувчи генетик алгоритмлари ва ЭҲМ учун дастури ишлаб чиқилган;

таркибида ИЭС, ГЭС ва ҚТЭМда ишловчи электр станциялари мавжуд бўлган энергетика тизимларининг қисқа муддатли ҳолатларини барча ҳолат ва технологик чегаравий шартларни эътиборга олиб, оптимал режалаштиришнинг генетик алгоритмлари ва ЭҲМ учун дастури ишлаб чиқилган;

энергетика тизимларининг қисқа муддатли ҳолатларини оптимал режалаштиришда ростланувчан станцияларда ишловчи агрегатларнинг оптимал таркибини катта аниқликда танлаш учун эволюцион алгоритм ва у реализация қилинган ЭҲМ учун дастур яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги.** Электр энергетика тизимларининг қисқа муддатли ҳолатларини оптималлашнинг замонавий назарияси, сонли, чизикли ва нозичли математик дастурлаш, математик статистика, тизимли таҳлил усуллари, сунъий интеллект ва эволюцион алгоритмлар бўйича замонавий ҳисоблаш воситалари ҳамда тадқиқот усуллари воситасида амалга оширилган кўплаб экспериментал ҳисоблашлар билан асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Олинган натижаларнинг илмий аҳамияти ўтказилган тадқиқотлар асосида электр энергетика тизимларининг қисқа муддатли ҳолатларини барча ҳолат ва технологик чегаравий шартларни ҳисобга олиб, станцияларнинг реал энергетик характеристикалари бўйича оптимал режалаштириш имконини берувчи математик моделлар, усуллар ва алгоритмлар билан изоҳланади.

Амалий аҳамияти энергетика тизимларининг ҳолатларини тенглик ва тенгсизлик кўринишидаги чизикли ва нозичли чегаравий шартларини жарима функцияси орқали ҳисобга олиб, оптималлаш; таркибида ҳар хил электр станциялари мавжуд бўлган мураккаб энергетика тизимларининг қисқа муддатли ҳолатларини оптимал режалаштириш; энергетика тизимларининг қисқа муддатли ҳолатларини оптималлашда станцияларда ишловчи агрегатларнинг оптимал таркибини танлаш учун яратилган алгоритмлар ва дастурий воситалар билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Электр энергетика тизимларининг ҳолатларини станцияларнинг реал энергетик характеристикаларидан фойдаланиш асосида барча таъсир этувчи ва чекловчи факторларни ҳисобга олган ҳолда эволюцион алгоритмлар ёрдамида оптималлаштириш учун ишлаб чиқилган математик моделлар ва алгоритмлар бўйича олинган илмий натижалар асосида:

электр энергетика тизимларининг ҳолатларини оптималлашнинг эволюцион алгоритми Ўзбекистон Республикаси Миллий диспетчерлик

марказида суткалик иш режимини оптималлаштириш учун жорий қилинган («Ўзбекистон Миллий электр тармоқлари» АЖнинг 2022 йил 21 февралдаги 01-02-16/636-сонли маълумотномаси). Натижада бир сутка давомида иссиқлик электр станцияларидаги шартли ёқилғи сарфини 16,398 тоннага камайтиришга эришилган;

электр энергетика тизимларининг ҳолатларини барча ҳолат ва технологик чегаравий шартларни ҳисобга олиб оптималлашнинг эволюцион алгоритми Ўзбекистон Республикаси Миллий диспетчерлик марказида энергетика тизимининг қишки мавсуми иш режимларини оптималлаштириш учун жорий қилинган (2022 йил 21 февралдаги 01-02-16/636-сонли маълумотнома, «Ўзбекистон Миллий электр тармоқлари» АЖ). Натижада қишки мавсум давомида 1065,87 тонна шартли ёқилғини тежашга эришилган;

электр энергетика тизимларининг ҳолатларини оптималлашнинг эволюцион алгоритми Ўзбекистон Республикаси Миллий диспетчерлик марказида энергетика тизимининг қишки мавсуми иш режимларини оптималлаштириш орқали ёқилғи билан боғлиқ бўлган харажатларни минималлаштириш учун жорий қилинган (2022 йил 21 февралдаги 01-02-16/636-сонли маълумотнома, «Ўзбекистон Миллий электр тармоқлари» АЖ). Натижада энергетика тизимида ёқилғи сарфи харажатларини 224,48 млн. сўм га камайтиришга эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 19 та илмий ва амалий анжуманларда, жумладан 14 та халқаро (4 та Scopus базасига кирувчи) ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида апробациядан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 25 та илмий иш чоп этилган. Шулардан хорижий ва республика журналларда 1 тадан мақола, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий журналларда 4 та, шу жумладан 1 та хорижий ва 3 та республика журналларида чоп этирилган, ЭҲМ учун 2 та дастурга Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк Агентлигининг гувоҳномалари олинган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми жами 150 бетдан иборат бўлиб, асосий матн 119 бетни, иловалар 31 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Ишнинг **Кириш** қисмида диссертация тадқиқотининг зарурлиги ва долзарблигининг асосланиши, мақсади ва вазифалари келтирилган, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон республикасида илм-фан ва техника тараққиётининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган. Шунингдек, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва

амалий натижалари келтирилган, натижаларнинг ишончилиги асосланган, натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти тавсифланган, тадқиқот натижаларини амалга ошириш, апробация қилиш ва нашр этиш, шунингдек диссертациянинг тузилиши тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **«Оптималлаш масалаларини ечишнинг эволюцион усуллари»**да электр энергетика тизимлари (ЭЭТ)нинг қисқа муддатли ҳолатларини барча ўзгарувчилар бўйича бир вақтнинг ўзида комплекс оптималлаштириш масаласи келтирилган бўлиб, уни ечиш билан боғлиқ бўлган муаммоларни таҳлиллаш асосида иккита кичик масалаларга, яъни энергетика тизимининг ҳолатини актив қувват бўйича оптималлаш ва электр тармоғи ҳолатларини оптималлаш масалаларига декомпозициялаш воситасида ечиш мақсадга мувофиқ эканлиги кўрсатилган. Электр энергетика тизимларининг ҳолатларини оптималлашнинг анъанавий ва эволюцион усул ва алгоритмлари таҳлил қилинган.

Электр энергетика тизимлари ҳолатларини оптималлаштиришнинг мавжуд анъанавий усуллари асосан электр станцияларининг аппроксимациялаш орқали ҳосил қилинувчи квадратик кўринишига сарф характеристикаларидан фойдаланишга асосланган. Бундай характеристикалардан фойдаланиш ўз навбатида оптималлаш аниқлигини пасайтириш орқали эришилувчи самарадорликни камайтиради. Одатда жадвал кўринишида берилувчи энергетик характеристикалардан фойдаланилганда эса, умумий ҳолатда оптимал ечимга эришиш кафолатланмайди. Ундан ташқари, анъанавий усуллар учун тенгсизлик кўринишидаги функционал чегаравий шартларни ҳисобга олиш билан боғлиқ айрим қийинчиликлар ҳам характерли ҳисобланади. Бу сингари қийинчиликларни енгиш учун оптималлашда эволюцион алгоритмлардан фойдаланиш алоҳида аҳамият касб этади. Бундай алгоритмлар кўп экстремумли масалаларни ечишда глобал экстремумни аниқлаш имконини бериши билан бир қаторда узилишларга эга бўлган мақсад функцияси шароитларида ҳам фойдаланилиши мумкин.

Диссертация ишида эволюцион алгоритмлардан генетик, асалари ва чумоли алгоритмларининг самарадорлиги таҳлил қилиниб, уларнинг энергетика тизимларининг ҳолатларини оптималлаш масаласини ечишдаги самарадорлиги тадқиқ қилинди. Тадқиқот натижалари ҳар хил характердаги чегаравий шартлар мавжуд бўлган шароитларда асалари ва чумоли алгоритмларидан фойдаланиш асосида катта аниқликдаги натижани ҳосил қилиш кафолатланмаслигини кўрсатди. Дастлабки яқинлашиш сифатида қабул қилинган нуқтанинг жойлашувига боғлиқ ҳолда ҳосил бўлувчи натижалар қисман фарқ қилиши аниқланди. Шу сабабли улар энергетика тизимининг тахминий оптимал ҳолатини аниқлаш мақсадида, масалан, оператив бошқариш масалаларини ечишда фойдаланилиши мумкин.

Диссертация ишининг иккинчи боби **«Энергетика тизимининг юкламасини электр станциялари ўртасида эволюцион алгоритмлар ёрдамида оптимал тақсимлаш»** энергетика тизимининг юкламасини

иссиқлик электр станциялари ўртасида уларнинг одатда жадвал кўринишида берилувчи энергетика характеристикаларидан фойдаланиш асосида тенглик ва тенгсизлик кўринишидаги функционал чегаравий шартларни ҳисобга олиб, оптимал тақсимлаш усуллариининг самарадорлигини тадқиқига бағишланган.

Бу ерда энергетика тизимларининг ҳолатларини станцияларнинг реал энергетик характеристикаларини аппроксимациялаш асосида ҳосил қилинган боғланишлардан фойдаланиш орқали анъанавий усулларда оптималлаш умумий ҳолатда салмоқли даражада хатоликни ва мос ҳолда қўшимча иқтисодий харажатларни келтириб чиқариши кўрсатилди. Экспериментал ҳисоблашлар IEEE (Institute of Electric and Electronic Engineers) нинг 30 та тугунли стандарт тест схемаси мисолида амалга оширилди. Ушбу схеманинг 6 та тугунида оптималлашда қатанашувчи станциялар мавжуд бўлиб, ҳар бирининг ёқилғи сарфи билан боғлиқ харажатлар характеристикаси учта бўлақдан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири квадратик кўринишда ифодаланган. Энергетика тизимининг умумий юкламалари  $P_n = 150$  МВт, 200 МВт ва 250 МВт ушбу станциялар ўртасида уларнинг берилган реал энергетик характеристикаларидан фойдаланиш асосида нисбий ўсишларнинг тенглиги усулида ва ягона квадратик функция орқали аппроксимациялаш натижасида ҳосил қилинган сарф характеристикаларидан фойдаланиш асосида анъанавий Ньютон усулида тақсимланди. Бундай оптималлашларнинг 1-жадвалда келтирилган натижалари аппроксимацияланган характеристикалардан фойдаланиш туфайли юзага келувчи хатолик билан боғлиқ бўлган харажатлар умумий юкламанинг катталашиб бориши билан салмоқли даражада ошиб борганлигини кўрсатади.

1-жадвал

$P_n$ , МВт	150,0	200,0	250,0
Нисбий ўсишларнинг тенглиги усулида оптималлаш натижалари			
$B$ , \$/соат	393,55	573,26	800,80
Ньютон усулида оптималлаш натижалари			
$B$ , \$/соат	394,62	578,89	808,17
Хатолик туфайли содир бўлувчи қўшимча харажатлар			
$\Delta B$ , %	0,27	0,98	0,92

Энергетика тизимларининг ҳолатларини умумий ҳолатда нисбий ўсишларнинг тенглиги усулида оптималлаш тенгсизлик кўринишидаги функционал ва тенглик кўринишидаги эгри чизикли чегаравий шартларни ҳисобга олишдаги муаммолар билан боғлиқ. Бундай қийинчиликлар ушбу масалани

ечишда генетик алгоритмларни қўллаш орқали бартараф этилиши мумкин.

Энергетика тизимларининг ҳолатларини актив қувват бўйича тармоқдаги исрофларни ҳисобга олиб оптималлашда актив қувват балансини ифодаловчи тенглик кўринишидаги, шунингдек, умумий ҳолатда назорат қилинувчи линияларда қувват оқимларининг рухсат этилган қийматлари бўйича тенгсизлик кўринишидаги чегаравий шартлар эгри чизикли характерда бўлади. Бундай шароитларларда генетик алгоритмдан фойдаланиш учун бу шаклдаги чегаравий шартларни алоҳида усуллар

ёрдамида ҳисобга олиш мумкин. Кўрилаётган муаммони математик жиҳатдан қуйидагича шакллантирилиши мумкин:

ИЭСларда умумий ёқилғи харажатлари функцияси:

$$B = \sum_{i=1}^n B_i(P_i) \rightarrow \min, \quad (1)$$

энергетика тизимида қувват баланси:

$$\sum_{i=1}^n P_i = P_n + \pi, \quad (2)$$

станцияларнинг минимал ва максимал мумкин бўлган қувватлари

$$P_i^{\min} \leq P_i \leq P_i^{\max}, \quad i = 1, 2, \dots, n, \quad (3)$$

ва назорат қилинадиган электр узатиш линияларидаги (ЭУЛ) минимал ва максимал қувват оқимлари:

$$P_l^{\min} \leq P_l \leq P_l^{\max}, \quad l = 1, 2, \dots, L, \quad (4)$$

бўйича чегаравий шартларни ҳисобга олиб минималлаштирилсин.

Ушбу бобда энергетика тизимининг ҳолатини тенглик кўринишидаги ночизикли чегаравий шарт (2) ни жарима функцияси ва балансловчи станцияни ажратиш орқали ҳисобга олиб, оптималлаштириш масаласининг мос математик модели ва генетик алгоритмлари таклиф этилган.

Биринчи алгоритмга кўра чегаравий шарт (4) мавжуд бўлмаганда масала қуйидаги кўринишга келтирилиб, генетик алгоритм ёрдамида ечилади:

$$F = \sum_{i=1}^n B_i(P_i) + III \rightarrow \min, \quad (5)$$

$$P_i^{\min} \leq P_i \leq P_i^{\max}, \quad i = 1, 2, \dots, n.$$

Бу ерда жарима функцияси  $III = \alpha \left( \sum_{i=1}^n P_i - P_n - \pi \right)^2$  кўринишга эга;  $\pi$ - электр тармоғида умумий актив қувват исрофи бўлиб, у станцияларнинг номаълум актив қувватларини эгри чизикли функцияси ҳисобланади;  $\alpha$  - юк коэффициенти.

Иккинчи алгоритмга мувофиқ энергетика тизимда актив қувват балансини ифодаловчи тенглик кўринишидаги эгри чизикли чегаравий шарт (2) балансловчи станцияни ажратиш орқали ҳисобга олинади. Масалан, 1-ИЭС балансловчи станция сифатида қабул қилинганда, унинг қуввати қуйидагича аниқланади:

$$P_1 = P_n + \pi - \sum_{i=2}^n P_i, \quad (6)$$

Бундай ҳолатда балансловчи станциянинг қуввати боғлиқ бўлган ўзгарувчилар тоифасига ўтганлиги сабабли унинг максимал ва минимал рухсат этилган қувватлари бўйича чегаравий шартлар қуйидаги кўринишдаги жарима функциялари ёрдамида эътиборга олинади.

$$III_{\max} = \alpha e^{\beta(P_1 - P_1^{\max})}, \quad III_{\min} = \alpha e^{\beta(-P_1 + P_1^{\min})}, \quad (7)$$

бу ерда  $\alpha, \beta$ - юк (жарима) коэффициентлари.

Бундай ҳолатда масалани ечиш мақсад функцияси:

$$F = \sum_{i=1}^n B_i(P_i) + III_{\max} + III_{\min} \rightarrow \min \quad (8)$$

ни балансловчи станциядан ташқари барча станция учун чегаравий шартлар (3) ни ҳисобга олиб, генетик алгоритм ёрдамида минималлаштиришга келтирилади.

Шундай қилиб, энергетика тизимининг юкламасини электр станциялари ўртасида тенглик кўринишидаги ночизикли чегаравий шартларни юқоридаги усулларда ҳисобга олиб оптимал тақсимлашнинг генетик алгоритми бўйича ҳисоблашлар қуйидаги кетма-кетликка эга:

1) Чатиштириш ва мутация эҳтимолликларини қабул қилиш;  
 2) Оптималлашда қатнашувчи станцияларнинг қувватларини бошланғич қийматлари билан белгиланувчи бошланғич нуқталар (хромосомалар) тўплами (бошланғич популяция)ни шакллантириш;

3) Ҳисоблашни яқунлаш шартининг бажарилганлигини текшириш. У бажарилган вазиятда популяциядаги барча нуқталар (ечим вариантлари)ни солиштириш асосида энг яхшисини танлаш ва натижаларни чиқариш. Акс ҳолда навбатдаги 4-пунктга ўтиш;

4) Шаклланган популяциянинг ҳар бир ташкил этувчиси (ечим варианты)ни мослигини текшириш (ҳар бир нуқта учун мақсад функциясининг қийматларини (5) (ёки (8) бўйича ҳисоблаш);

5) Мақсад функциясининг қийматларини эътиборга олган ҳолда қабул қилинган эҳтимолликда ечим вариантларининг жуфтликларини тасодифий тарзда аниқлаш ва чатиштиришни амалга ошириш орқали янги популяцияни шакллантириш;

6) Янги шакллантирилган популяциянинг айрим ечим вариантларида қабул қилинган эҳтимолликда мутацияни амалга ошириш;

7) 3-пунктга ўтиш.

Ушбу ҳолатда 4-пунктни бажаришда мақсад функцияси – ИЭСларда ёқилғи сарфи билан боғлиқ бўлган умумий харажатларнинг қиймати уларнинг жадвал кўринишида берилган ёқилғи сарфининг нисбий ўсиш характеристикаларини интеграллаш асосида аниқланади.

Ушбу алгоритмларнинг самарадорлиги, жумладан, мураккаб энергетика тизимининг умумий юкламасини шартли ёқилғи сарфининг нисбий ўсиш характеристикалари жадвал кўринишида берилган 4 та ИЭС ўртасида тақсимлаш мисолида тадқиқ қилинди. Натижалар оптималлаш аниқлигининг ошиши ҳисобига олинувчи кўшимча иқтисодий самара юқоридаги сингари салмоқли даражада бўлишини кўрсатди.

Энергетика тизимларининг ҳолатларини тенгсизлик кўринишидаги функционал чегаравий шартларни ҳисобга олиб оптималлашнинг анаъанавий алгоритмлари асосан квадрат шаклдаги жарима функциясидан фойдаланишни кўзда тутди. Бундай жарима функциялари анаъанавий алгоритмлар учун ҳисоблаш нуқтаи назаридан қулай бўлсада, генетик алгоритмда мос қийинчиликларни келтириб чиқаради. Бу асосан, квадрат жарима функциянинг тенглик кўринишидаги чегаравий шартларни ҳисобга олишга мослашганлиги, улардан тенгсизлик кўринишидаги чегаравий


шартларни ҳисобга олишда фойдаланиш учун ҳар бир итерациядан сўнг шартнинг бажарилишини текшириб, сўнгра навбатдаги қадамда уни ҳисобга олиш ёки олмасликни аниқлаш билан боғлиқ. Ушбу жиҳатларни эътиборга олиб, диссертация ишида энергетика тизимларининг ҳолатларини тенгсизлик кўринишидаги функционал чегаравий шартларни экспоненциал кўринишдаги жарима функцияси ёрдамида ҳисобга олиб, оптималлашнинг математик модели ва генетик алгоритми таклиф этилди. Бунда (4) кўринишидаги чегаравий шартни ҳисобга олувчи жарима функцияси қуйидагича ифодаланади:

$$Ш_l = \alpha \left( e^{\beta(-P_l + P_l^{\min})} + e^{\beta(P_l - P_l^{\max})} \right). \quad (9)$$

1-расмда ушбу жарима функциясининг юк коэффициентларини турлича кийматлари учун графиклари келтирилган.

Шундай қилиб, таклиф этилган математик модел ва генетик алгоритмга мувофиқ қуйидаги кўринишдаги мақсад функцияси оддий чегаравий шартлар (3)ни (балансловчи станциядан ташқари) ҳисобга олиб минималлаштирилади:

$$F = \sum_{i=1}^n B_i(P_i) + Ш_{\max} + Ш_{\min} + \sum_{l=1}^{L_p} Ш_l \rightarrow \min, \quad (10)$$



1- расм. (4) кўринишидаги чегаравий шартни ҳисобга олувчи жарима функциясининг графиклари

Ҳар бир итерацияда балансловчи станциянинг қуввати (6) бўйича ҳисобланади. (10) да жарима функциялари мос ҳолда (7) ва (9) кўринишида ифодаланади.

Ишлаб чиқилган математик модел ва алгоритмнинг самарадорлиги учта электр узатиш линиясида актив қувват оқими назорат қилинувчи ( $P_{6-3} \leq 575$  МВт,  $P_{6-5} \leq 200$  МВт,  $P_{0-3} \leq 75$  МВт) энергетика

тизимининг ҳолатини оптималлаш мисолида тадқиқ қилинди. 2-жадвалда координаталар бўйлаб тушиш усулида ва таклиф этилган математик модел ва генетик алгоритм асосида оптималлаш натижалари келтирилган. Уларнинг деярли бир хиллиги ишлаб чиқилган моделнинг адекватлиги ва алгоритмнинг самарадорлигини кўрсатади.

2- жадвал

Энергетика тизимининг ҳолатини тенгсизлик кўринишидаги функционал чегаравий шартларни ҳисобга олиб оптималлаш натижалари

$P_0$ , МВт	$P_1$ , МВт	$P_6$ , МВт	$P_7$ , МВт	$P_{6-3}$ , МВт	$P_{6-5}$ , МВт	$P_{0-3}$ , МВт	В, т.ш.ё./соат
325,26	92,00	787,64	495,10	575,00	156,14	75,00	535,05
325,33	92,00	787,87	494,80	574,99	157,09	74,98	535,11

Диссертация ишининг учинчи «Таркибида энергия ресурс захираси чекланган станциялар мавжуд бўлган энергетика тизимларининг ҳолатларини эволюцион алгоритмлар ёрдамида оптималлаштириш»

боби таркибида энергетика тизимининг суткалик ҳолатини оптимал режалаштиришда қатнашувчи ИЭСлар, ГЭСлар ва қайта тикланувчан энергия манбаларида ишловчи станциялар мавжуд бўлган энергетика тизимларининг ҳолатларини эволюцион алгоритмлар ёрдамида оптимал режалаштириш масалалари тадқиқ қилинган. Таркибида оптималлашда қатнашувчи  $n$  та ИЭС,  $m$  та ГЭС ва аккумулятор батареясига эга бўлмаган қайта тикланувчан энергия манбаларида ишловчи станциялар мавжуд бўлганда ушбу масала қуйидаги кўринишда шакллантирилиши мумкин.

Сутка давомида ИЭСларда ёқилғи сарфи билан боғлиқ харажатлар:

$$B = \sum_{t=1}^{24} \sum_{i=1}^n B_{it}(P_{it}) \rightarrow \min \quad (11)$$

минималлаштирилсин, қуйидаги чегаравий шартларни эътиборга олган ҳолда:

энергетика тизимида актив қувват баланси бўйича:

$$\sum_{i=1}^n P_{it} + \sum_{j=1}^m P_{jt} = P_{нт} + \pi_t - P_{КТЭ,t}, \quad t = 1, 2, \dots, 24; \quad (12)$$

ростланувчан станцияларнинг минимал ва максимал рухсат этилган қувватлари бўйича:

$$\begin{aligned} P_{it}^{\min} \leq P_{it} \leq P_{it}^{\max}, \quad i = 1, 2, \dots, n, \quad t = 1, 2, \dots, 24, \\ P_{jt}^{\min} \leq P_{jt} \leq P_{jt}^{\max}, \quad j = 1, 2, \dots, m, \quad t = 1, 2, \dots, 24. \end{aligned} \quad (13)$$

назорат қилинувчи электр узатиш линиялари (ЭУЛ)да қувват оқимининг рухсат этилган қийматлари бўйича:

$$P_{lt}^{\min} \leq P_{lt} \leq P_{lt}^{\max}, \quad l = 1, 2, \dots, L_p, \quad t = 1, 2, \dots, 24; \quad (14)$$

оптималлашда қатнашувчи ГЭСларда сутка давомидаги сув сарфи бўйича:

$$\Delta Q_j = \sum_{t=1}^{24} Q_{jt}(H_{jt}, P_{jt}) - Q_{jз} = 0, \quad j = 1, 2, \dots, m. \quad (15)$$

бу ерда  $P_{it}$ ,  $P_{jt}$  – сутканинг  $t$ -чи соатида  $i$ -чи ИЭС ва  $j$ -чи ГЭСнинг актив қувватлари;  $P_{нт}$  – сутканинг  $t$ -чи соатида энергетика тизими истеъмолчиларининг умумий актив юкламаси;  $\pi_t$  – сутканинг  $t$ -чи соатида энергетика тизимининг электр тармоқларидаги умумий актив қувват исрофи;  $P_{it}^{\min}$ ,  $P_{jt}^{\min}$ ,  $P_{it}^{\max}$ ,  $P_{jt}^{\max}$  – сутканинг  $t$ -чи соатида  $i$ -чи ИЭС ва  $j$ -чи ГЭСнинг рухсат этилган минимал ва максимал қувватлари (электр станцияларида ишловчи агрегатларнинг оптимал таркибида);  $P_{КТЭ,t}$  – сутканинг  $t$ -чи соатида қайта тикланувчан энергия манбаларида ишловчи станцияларнинг умумий қуввати;  $P_{lt}$ ,  $P_{lt}^{\min}$ ,  $P_{lt}^{\max}$  – сутканинг  $t$ -чи соатида назорат қилинувчи  $l$ -чи линияда актив қувват оқими ва унинг рухсат этилган минимал ва максимал қийматлари;  $H_{jt}$ ,  $Q_{jt}$  – сутканинг  $t$ -чи соатида  $j$ -чи ГЭСда напор ва сув сарфи;  $Q_{jз}$  –  $j$ -чи ГЭСда сутка давомида оптимал сарфланиши зарур бўлган берилган сув миқдори.

Ҳозирги даврда бундай кўринишдаги масалани ечишнинг бир қатор усул ва алгоритмлари мавжуд бўлсада, уларни етарлича такомиллашган деб

ҳисоблаш мумкин эмас. Кўплаб камчиликлар станцияларнинг реал энергетик характеристикаларини жадвал кўринишида берилиши ҳамда ГЭСларда сутка давомида сув сарфи бўйича интеграл чегаравий шартни ҳисобга олиш билан боғлиқ. Бундай муаммоларни бартараф этиш учун диссертация ишида ушбу масалани берилган оптималлаш даврини вақт интервалларига ажратмасдан ва ажратиш орқали оптималлашга асосланган математик модел ва генетик алгоритмлар ишлаб чиқилган.

Биринчи алгоритмга кўра аввало балансловчи станциянинг рухсат этилган минимал ва максимал қувватлари бўйича чегаравий шартларни (7) кўринишидаги, чегаравий шартлар (14) ни (9) кўринишидаги, (15) ни эса квадрат шаклдаги жарима функциялари:

$$Ш_j = \gamma(\Delta Q_j)^2 = \gamma \left[ \sum_{t=1}^{24} Q_{jt}(H_{jt}, P_{jt}) - Q_{j3} \right]^2, \quad j=1, 2, \dots, m,$$

воситасида ҳисобга олиш орқали қуйидаги умумлашган мақсад функциясини чегаравий шартлар (12) (балансловчи станциядан ташқари) ва (13) ни эътиборга олиб генетик алгоритм ёрдамида минималлаштириш амалга оширилади:

$$F = \sum_{t=1}^{24} \sum_{i=1}^n B_{it}(P_{it}) + \alpha \left[ e^{\beta(P_{it} - P_{it}^{\max})} + e^{\beta(-P_{it} + P_{it}^{\min})} \right] + \sum_{l=1}^{L_p} \left\{ \alpha_l \left[ e^{\beta_l(P_{it} - P_{it}^{\max})} + e^{\beta_l(-P_{it} + P_{it}^{\min})} \right] \right\} + \gamma \sum_{j=1}^m \left[ \sum_{t=1}^{24} Q_{jt}(H_{jt}, P_{jt}) - Q_{j3} \right]^2 \rightarrow \min \quad (16)$$

Бунда балансловчи станциянинг ҳар бир интервалдаги қуввати ҳар бир итерациядан сўнг қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$P_{it} = P_{nt} + \pi_t - P_{\text{КТЭт}} - \sum_{i=2}^n P_{it} - \sum_{j=1}^m P_{jt}, \quad t = 1, 2, \dots, 24. \quad (17)$$

Шундай қилиб, биринчи алгоритмга кўра ҳисоблашлар қуйидаги тартибда амалга оширилади:

- 1) Чатиштириш ва мутация эҳтимолликларини қабул қилиш;
- 2) Оптималлашда қатнашувчи ИЭСлар ва ГЭСларнинг даврни ҳар бир вақт интервали учун бошланғич қийматлари тўплами асосида бошланғич популяцияни шакллантириш;
- 3) Ҳисоблашни яқунлаш шартининг бажарилганлигини текшириш. У бажарилган вазиятда популяциядаги ҳар бир ташкил этувчи (ечим варианты)ни солиштириш асосида энг яхшисини танлаш ва натижаларни чиқариш. Акс ҳолда навбатдаги 4-пунктга ўтиш;
- 4) Шаклланган популяциянинг ҳар бир ташкил этувчисини мослик даражасини умумлашган мақсад функцияси (16) нинг қийматларини ҳисоблаш асосида аниқлаш;
- 5) Умумлашган мақсад функциясининг қийматларини эътиборга олган ҳолда қабул қилинган эҳтимолликда ечим вариантларининг жуфтликларини тасодифий тарзда аниқлаш ва чатиштиришни амалга ошириш орқали янги популяцияни шакллантириш;
- 6) Янги шакллантирилган популяциянинг айрим ечим вариантларида қабул қилинган эҳтимолликда мутацияни амалга ошириш;

7) 3-пунктга ўтиш.

Ушбу масалани ечиш учун таклиф этилган иккинчи алгоритмнинг биринчисидан принципиал фарқи ҳолат режалаштирилаётган қисқа муддатли давр (масалан, сутка)ни бир нечта характерли интервалларга ажратиш орқали ҳар бир интервал учун оптималлашни алоҳида амалга оширилишидан иборатдир. Даврни вақт интервалларига бўлиш эса, номаълум Лагранж кўпайтувчисини киритиш орқали қуйидаги тарзда амалга оширилади.

Дастлабки (11)-(15) кўринишдаги оптималлаш масаласида ГЭСларда сув сарфи бўйича чегаравий шартларни номаълум Лагранж кўпайтувчилари ёрдамида ҳисобга олиб, мақсад функциясини қуйидаги кўринишда ифодалаш мумкин:

$$F = \sum_{i=1}^{24} \left[ \sum_{i=1}^n B_{it}(P_{it}) + \sum_{j=1}^m \lambda_j Q_{jt}(H_{jt}, P_{jt}) \right] \quad (18)$$

бу ерда  $\lambda_j$  –  $j$ -чи ГЭС учун сув сарфи бўйича, яъни (15) кўринишдаги чегаравий шартни ҳисобга олувчи номаълум Лагранж кўпайтувчиси.

Ушбу ҳолатда кўрилаётган масалани ечиш барча ИЭС ва ГЭСларнинг ҳар бир интервал бўйича барча чегаравий шартлар (11)-(14) лар бажарилган ҳолатида (18) функцияни минимуми таъминланадиган оптимал қийматларини топишдан иборат бўлади.

Шундай қилиб,  $\lambda_j$  ларнинг маълум қийматларида кўрилаётган масалани ечиш уни алоҳида вақт интерваллари учун математик модели мақсад функцияси (18) ва чегаравий шартлар (12)-(14) дан иборат бўлган оптималлаш масалаларини мустақил тарзда ечишга келтирилади. Бунда  $\lambda_j$  кўпайтувчиларнинг қийматларини аниқлаш қуйида таклиф этилган алгоритм бўйича амалга оширилади:

барча оптималлашда қатнашувчи ГЭСлар учун Лагранж кўпайтувчилари  $\lambda_j^{(0)}$  ( $j=1, 2, \dots, m$ ) нинг бошланғич қийматлари ўртача қийматлар усулида танланади. Биринчи итерация бажарилганидан сўнг агар ҳисоблаш жараёнининг яқинлашиш шарти

$$\left| \sum_{i=1}^{24} Q_{jt}(P_{jt}) - Q_{j^*} \right| \leq \varepsilon_{\Delta Q}, \quad j=1, 2, \dots, m \quad (19)$$

бажарилмаган бўлса, ҳар бир ГЭС учун ушбу кўпайтувчиларнинг янги қийматлари  $\lambda_j^{(1)}$ , қуйидаги шарт ва ифодалар бўйича ҳисобланади:

$$\lambda_j^{(1)} = \begin{cases} \lambda_j^{(0)} + h_j^{(0)} \Delta \lambda_j & \text{агар } \Delta Q_j^{(0)} > 0, \\ \lambda_j^{(0)} - h_j^{(0)} \Delta \lambda_j & \text{агар } \Delta Q_j^{(0)} < 0, \end{cases} \quad (20)$$

бу ерда  $\Delta \lambda_j$  – кичик мусбат сон – кўпайтувчининг ўзгариши;  $h_j^{(0)} = 1$  – кейинги итерацияларда қийматлари ошириб бориловчи масштаб коэффициентлари.

